



ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРДИДА ДАРС ЎТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ФИНЛАНДИЯ МЕТОДЛАРИ

Эшонқулова Ойжамол Рахматуллаевна

*Тошкент шаҳар Олмазор тумани 28 - умумтаълим мактабининг бошланғич
синф ўқитувчиси*

Рахимжонова Насиба Нигматуллаевна

*Тошкент шаҳар Олмазор тумани 1- умумтаълим мактабининг бошланғич
синф ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолда она тили адабиёти дарсларида Финландия методларини ўргатиш ҳамда ўқувчиларга имло қоидаларини ўргатиш, хусусан, какография йўли, яъни мақсадли равишда хатоларга йўл қўйилган матнни ўқувчиларга тузатиш усули ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: имло, имло қоидалари, машқлар, тўғрилаш, какография усули

ФИНСКИЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ РОДНОМУ ЯЗЫКУ И ЛИТЕРАТУРЕ

Аннотация: В статье рассматривается методика преподавания финского языка на уроках литературы родного языка и преподавания орфографических правил школьникам, в частности, способ какографии, то есть метод целенаправленного исправления текста с ошибками, допущенными до ученики.

Ключевые слова: орфография, орфографические правила, упражнения, исправление, метод какографии.

FINNISH METHODS OF TEACHING MOTHER LANGUAGE AND LITERATURE

Abstract: The article discusses the teaching of Finnish methods in the literature classes of the mother tongue and the teaching of spelling rules to students, in particular, the way of cacography, that is, the method of purposefully correcting the text with mistakes made to the students.

Key words: spelling, spelling rules, exercises, correction, cacography method

КИРИШ

Бугунги шиддатли давр ҳар бир инсондан болалик чоғидан бошлаб кунт билан ўқиш, илм ва ҳунар ўрганишни талаб этмоқда. Ана шу талаб асосида мамлакатимизда ўзига хос таълим тизими яратилди: "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Уларда таълимнинг бошқа соҳалари қатори она тили таълимига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.



Она тили ўқувчини мустақил фикрлашга, мулоҳазаларни оғзаки ва ёзма равишда тўлиқ баён қилишга ўргатади. Ўқувчининг саводхонлик даражасини, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни она тилидан ҳосил қилинган билим ва малакалари асосига қурилади.

ТАДҚИҚОТ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, ҳар бир миллий тил ўзида моддий оламни айнан, адекват акс эттиришдан ташқари руҳий оламни, қайғу-аламлари-ю шодликларини ҳам ўринда тугал ифодалайди. Инсонда ҳар бир нарсага нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти бор ва бу имконият ҳар гал тилнинг муайян шакллари орқали юзага чиқарилади.

Кейинги йилларда она тилимизни асраб авайлаш, давлат тили сифатидаги мақомини кўтариш, жаҳон миқёсида ўрганилишини рағбатлантириш ва тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг ўтган йили 6-ноябрдаги таълим тизимини ислоҳ қилишга доир фармон ва қарорларида Финляндия тажрибасини ўрганиш масаласи тегишли идоралар, жумладан, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси олдида вазифа сифатида қўйилган эди. Шунга кўра мазкур давлат тажрибаси ўрганилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар зиммамимизга мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш масъулиятини юкламоқда. Бу борада ҳам илғор хорижий давлатлар, хусусан, Финляндия тажрибаси ўрганиляпти.

Айни пайтда мазкур мамлакатдаги 2341 та мактабда 560 минг нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Финляндия мактаблари ўқув режасига кўра, тўққиз йиллик ҳафталик умумий юклама 233 соат. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 246 соатни ташкил этади. Финлар шундан 42 соатини она тили ва адабиёт фанига ажратади. Мамлакатимизда она тили ва адабиёт фанининг улуши 2018-йилда 61 соатни ташкил этган, 2021-йилда эса 51 соатга тушган.

Аммо ўзбек тили (давлат тили)нинг улуши 2018-йилдаги 16 соатдан бу йил 21 соатга кўтарилган. Бу мамлакатимизда таълим ўзбек тилидан бошқа тилда олиб борилаётган мактабларда давлат тилини ўқитишга эътибор кучайтирилганидан далолат беради.

Худди шундай кўрсаткичлар, яъни она тили ва адабиёти фанининг бошқа барча фанларга нисбатан улуши Германияда 13,4 фоиз, Жанубий Кореяда 17,8 фоиз, Японияда 19,1 фоиз, Россияда 17,5 фоиз, Беларусда 13,4 фоизни ташкил этиши кузатилди.

Финляндия мактабларида она тили сифатида фин, швед, сами, сиган тили ўқитилади. Мамлакатда иккита давлат тили мавжуд. Она тили фин тили бўлганлар швед тилини, она тили швед тили бўлганлар фин тилини давлат тили сифатида ўрганади. Она тили сами ёки сиган, рус тили бўлганлар ҳам фин ёки швед тилини ўрганишади.





Мамлакатимизда умумий ўрта таълимнинг янгидан ишлаб чиқиладиган Миллий ўқув дастурида “Тил ва адабиёт фанлари она тили, адабиёт, ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун), қардош тиллар (қозоқ, қирғиз, тожик, туркман), рус тили (таълим рус ва ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун) ўқув предметларини қамраб олади ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди”, деб қайд этилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида таълим етти тилда олиб борилади. Жумладан, 2 минг 69 та мактабда таълим рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларида олиб борилади ва ҳар бир миллат вакиллари учун миллатлараро бағрикенглик тамойили асосида зарур шароитлар яратилган. Ўқув жараёни ўқувчиларнинг ўз она тилида ташкил этилган ва ушбу мактабларнинг ҳар бирида барча фанлардан дарслик ва ўқув методик адабиётлар мавжуд.

Фин таълим тизимида ўқувчиларнинг тил ўрганиш қобилиятини ривожлантириш болаликдан бошланади ва ҳаёт мобайнида давом этади. Бу жараён уйда, мактабда ва мактабдан ташқари вақтларда ривожлантирилади. Мактабда тил ўқитишнинг асосий принципи турли вазиятларда тилдан фойдаланишга ўргатиш ҳисобланади.

Биринчи-иккинчи синфларда она тили ва адабиётни ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятини ҳисобга олган ҳолда онгли ёндашиш, ўзини намоён қилиш ва мулоқот лаёқатини, шунингдек, тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш қобилиятини ривожлантириш алоҳида вазифа ҳисобланади.

Учинчи–олтинчи синфларда фаннинг ўзига хос мақсади ўқувчиларни ўзини намоён қилиш, ўзаро таъсир ўтказиш, ўқиш ва ёзиш қобилиятини оширишга қаратилади. Бундан ташқари, ушбу босқичда матн жанрлари доираси кенгайди. Ўқувчиларга кўпроқ турли матнларни талқин ва таҳлил қилиш, тузиш ва баҳолаш кўникмалари ўргатилади. Болалар танлаган қизиқарли китоблар ва бошқа мультимедиа матнлар ўқув жараёнида қўлланади. Ўқувчилар ўқиш орқали дунёқарашини кенгайтиради. Мактабдан ташқари маданий ва мультимедиа хилма-хиллиги орқали она тили ва адабиётини ўрганиш имкониятидан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда эса ўқувчига тилни ўқитиш орқали у бўйича эгалланадиган нутқий фаолият турлари: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш амалларини ҳар бир синфда ўргатиш, мустақил фикр алмаша олиш, эшитилган матнни идрок этиш, ёзма манбаларни ўқиш орқали ахборот олиш, воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш малакасини эгаллаш динамикаси назарда тутилади.

Адабиёт — сўз санъати. Шу сабабли она тилини пухта ўзлаштирмасдан туриб, адабиётнинг гўзаллиги ва қудратини англаб бўлмайди. Она тили ва адабиёт фани дарслари мазмуни ўқувчида сўзга қизиқиш ва эътибор ҳиссини



мунтазам ўстириб боришдан, уларга сўзнинг аҳамияти, турли матнларда тутган ўрнини тушунтиришдан иборат.

Ўзбекистон Миллий ўқув дастурида мактаб битирувчиларида тил ва адабиёт фанлари бўйича ривожлантириладиган умумий компетенциялар белгиланмоқда. Уларни нутқий (оғзаки ва ёзма нутқ малакаси, ўқиш ва тушуниш, тинглаб тушуниш) ҳамда лингвистик компетенциялар (лингвистик малака: фонетика, имло, лексикология, морфология, синтаксис) орқали шакллантириш кўзда тутилган.

Финляндия мактабларида ўқувчиларнинг тил кўникмалари ва миллий маданияти ҳисобга олинади. Мактаб бошқа она тилида сўзлашадиган ва бошқа маданиятга мансуб бўлган ўқувчилар учун ўрганиш ҳамда мулоқот қилиш имкониятини яратиши керак. Ўқитувчилар ўз фани бўйича фин ва швед тилида дарс бера олиши лозим. Барча кўрсатмалар умумий ўрта таълим учун ўқув дастурида белгиланган муддао ва тамойилларга мувофиқ бўлиши кўзда тутилади. Мақсад ўқувчиларни турли тил ва маданиятларни қадрлашга ўргатиш, икки ва кўп тиллиликни тарғиб қилиш ва шу орқали ўқувчиларнинг лингвистик билимлари ва металингвистик кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

Яна бир ҳолат борки, муайян синф ёки мактабда таълим қайси тилда олиб борилиши таълим тўғрисидаги қонун доирасида, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари қарорлари асосида белгиланади. Бироқ зарурат бўлса, она тили ва адабиёт бўйича дарслар ҳукумат қарорига мувофиқ бирлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда ўқитувчилар умумий ўқитиладиган барча фанларнинг камида ярмини она тили сифатида белгиланган тилда ўтиши керак. Бу жараёнда оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро келишувга амал қилинади.

Инглиз, немис, француз ва бошқа тилларни чет тили сифатида ўрганиш ўқувчиларда кўп тиллилик, саводхонлик компетенцияларини шакллантиради. Мутахассисларнинг фикрича, фин тилини жуда кам давлатларда тушунишади. Шунинг учун финлар дунё аҳолиси мулоқот қиладиган асосий чет тилларни юқори даражада ўрганишни мақсад қилган. Қолаверса, турли тилларда сўзлашиш қобилияти фанлараро интеграцияни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Умуман олганда, ёшлар ватанимиз Ўзбекистоннинг қанотларидур. Бугун биз ўқитувчилар олдида она-тилини ўргатиш тўғри ва ўринли ҳисобланади. Биздан миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, халқимиз тафаккурининг тенгсиз жавоҳироти саналаган ўзбек тилини мукамал ўргатиш, оғзаки ва ёзма саводхонликни юксак бўлиши талаб этилмоқда. Юқоридагиларни амалга ошириш учун бизга Она-тили ва адабиёти дарсларида Финляндия таълим методларидан фойдаланиш самарали фойда беради. Зеро, давр ўқитувчилардан ҳам, ўқувчилардан ҳам изланишни, янгиликларни ўзлаштиришни талаб қилмоқда.





REFERENCE:

1. Шайхисламов, Н. (2020). ТРУДНОСТИ СИНТАКСИЧЕСКОГО АНАЛИЗА: ЗАГАДКИ ИНФИНИТИВА. Асадемис ресеарч ин эдусатионал ссиенсес, (3).
2. Шайхисламов, Н. (2020). Сўз урғусининг ўзбек ва инглиз тилларидаги фарқлаш вазифасининг қисқача тавсифи. Ўзбекистонда инновацион илмий тадқиқотлар ва методлар, 13-14.
3. Шайхисламов, Н. (2020). Когнитив тилшуносликда концепт: "Туй" концепти ва унинг универсал табиати. Ўзбекистонда инновацион илмий тадқиқотлар ва методлар, 54-60.
4. Шайхисламов, Н. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ТАЛҚИНИ. Ссиентифис Прогресс, 7(1), 59-70.
5. Шайхисламов, Н. (2020). Ин тхе Фиелд оф Модерн Лингуистисс-Лингуосултурологй. Мирова наука, (8), 33-36.
6. Шайхисламов, Н. (2020). Укувчиларнинг нуций компетенцияларни ривожлантиришда нутқнинг илмий-назарий изоҳд. Ссиенсе анд Эдусатион, 1(5).
7. Шайхисламов, Н. (2020). Проблемс оф сосиолингвистисс: статус оф тхе лангуаге. О 'збекистонда илм-фан ва та 'лим, 3, 279-281.
8. Шайхисламов, Н. (2020). Согнитиве Лингуистисс, тхе Сймболис анд Интерастиве Фунстионс оф Лангуаге. Образование и наука вХХИ веке, 1(6), 390-393.
9. Шайхисламов, Н. (2020). Зооним компонентли метафораларнинг антропоцентрик тадқиқ этишда гендер жихдтлар. Образование и наука в ХХИ веке, 1(6), 304-309.
10. Шайхисламов, Н. (2020). Она тили фанини о 'қитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. О 'збекистонда илм-фан ва таълим масалалари: муаммо ваечимлар,(3), 71-73.
11. Шайхисламов, Н. (2020). Нутқнинг паралингвистик ва экстралингвистик воситалари. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар, 36-37.
12. Шайхисламов, Н. З. О. Г. Л., & Шофқоров, А. М. (2020). РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАТНИНИНГ ЛЕКСИК ХУСИСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ. Ссиенсе анд Эдусатион, 1(Спесиал Иссуе 3).
13. Шофқоров, А. М., Шайхисламов, Н. З. О. Г. Л., & Алимова, Э. Б. (2020). О 'ЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МАҚОЛЛАРДА "ДО 'СТЛИК" КОНЦЕПТИ ИФОДАЛАНИШИ. Ссиенсе анд Эдусатион, 1(Спесиал Иссуе 3).
14. Шайхисламов, Н. (2020). Синтаксисни морфология билан интегратив ургатиш. Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, 383385.